ҒАЛАБА РАЙОНИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ССР БЕШ ЙИЛЛИГИ» ТАЖРИБА ХЎЖАЛИГИ ДИРЕКЦИЯСИ ВА ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ 1985 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН

# ТАДБИРЛАРИ

ЛЕНИН орденли «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалиги коллективи партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ҳамда 1985 йил апрель Пленумлари қарорларини бажара бориб, бутун куч-ғайратни 1985 йил ва умуман ўн биринчи беш йилликни юқори кўрсаткичлар билан якунлаш, мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшиш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга қаратмоқда.

Хўжалик деҳқонлари ва чорвадорлари давлатга дон, сабзавот, картошка сотиш бўйича 1985 йил планларини муддатидан илгари бажардилар, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга топшириш суръатларини жадаллаштирмоқдалар.

Ҳозирги кунда хўжалик меҳнаткашларининг ишлаб чиқариш фаолиятларида ҳал қилувчи дамлар бошланди. Асосий қишлоқ хўжалик экини бўлган пахта ҳосилини қисқа муддатларда сифатли қилиб йиғиб-териб олиш, давлатга 12 минг 45 тонна юқори сифатли хомашё топшириб, юксак социалистик мажбуриятни ҳам муддатидан илгари бажариш лозим.

Тажриба хўжалиги пахтакорлари ва механизаторлари, мутахассислари бу йил далаларда етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини четдан ёрдамчи жалб этмай, фақат ўз кучлари билан йиғиб-териб олишга қарор қилдилар. Шу мақсадларда ишлаб чиқариш бригадалари, дирекция ва партия комитети аъзоларининг кенг иштирокида аниқ ташкилий тадбирлар ишлаб чиқилди. 10890 тонна пахтани ёки ҳар гектар майдондан 33 центнердан ҳосилни фақат машиналарда 18 октябргача териб олиш учун мавжуд моддий-техника потенциалидан тўла самара билан фойдаланилади.

Хўжаликнинг ҳамма майдонларидаги бегона ўтлар 7 иш кунида тўла тозалаб бўлинди. Ғўза дефолиацияси 14 сентябрда тугатилди. Бу йил дефолиация самолётлардан фойдаланилмай, мавжуд 26 ОВХ агрегати ёрдамида ўтказилди ва шу ҳисобига юксак самарага эришилди. Ҳозир ҳамма майдонлардаги ғўза барглари тез ва текис тўкилмоқда, кўсаклар шиғил очилмоқда.

Карталарда терим машиналарининг бемалол ҳаракат қилиши ва қайтиш майдонларининг сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида ихтисослашган отряд тузилди. Уларга 12 та бульдозер ва 8 та грейдер бириктириб қўйилди. Ҳозир қайтиш жойларидаги ғўза туплари ҳосили қўлда йиғиштириб олинмоқда. Терим машиналари ишга тушишидан бир кун аввал қайтиш жойларидаги ғўзапоялар ташқарига чиқариб ташланиб, ўқариқ ва эгатлар сифатли текисланади. Бу иш қайси картага қачон терим машинаси тушиши ҳисобга олинган ҳолда табақалаштириб бажариб борилади.

Хўжаликда ташкил этилган 6-терим-транспорт отрядига 104 та пахта териш машинаси, 12 та кўсак терадиган машина, 29 та подборшчик ва 340 та прицеп бириктириб қўйилган.

Терим-транспорт отрядларига ўз вақтида техника хизмати кўрсатиш учун 6 та кўчма автоустахона ва ёнилғи билан таъминлайдиган 6 та агрегат тахт қилиб қўйилди. Марказий ремонт устахоналарида кечаю-кундуз навбатчилик қиладиган ремонтчи группалар ташкил этилди. Марказий диспетчерлик пункти ҳамма терим-транспорт отрядлари билан радио алоқаси олиб боради. Бу терим агергатларини ўз вақтида ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш, бузилган қисмларини тузатиш имконини беради. Терим машиналарига фақат тунда профилактика хизмати кўрсатилиб, шу йўл билан уларнинг кундузи юксак унум билан ишлаши таъминланади.

Ҳамма техника воситаларининг йиғим-теримга тайёргарлиги жиддий кўрикдан ўтказилган. Механик-ҳайдовчиларнинг конкурслари ҳамда слётлари уюштирилди. Терим агрегатларининг барчаси ремонтдан сўнг махсус комиссия томонидан акт билан қабул қилиб олиниб, механизаторларга ўтказилган.

Хўжаликнинг агрономик хизмати ҳосилнинг пишиб етилаётганлигини кундалик назорат остига олган. Ғўза тупларидаги кўсакларнинг камида 70 проценти яхши очилганидан сўнг машина теримини бошлашга қарор қилинган. Шу ҳисобига биринчи теримда гектаридан 23—24 центнердан, иккинчи теримда эса 8—9 центнердан ҳосил йиғиштириб олинади. Пахта майдонлари кўсак терадиган машина ва подборшчиклар ёрдамида поток усулида ҳосилдан тозаланади. Бунда фақат шахсий меҳнат ресурсларидан фойдаланилади.

Карталарга машина тушиши олдидан ҳосил чўғини аниқлаш мақсадида контрол терим ўтказилади. Машина теримидан сўнг сифат комиссияси майдонларни механик ҳайдовчилардан қабул қилиб олади.

Кундузи терим машиналарининг ҳаммасидан юксак унум билан фойдаланиб, уларнинг смена давомидаги иш унумини 6—7 тоннага, мавсум давомида эса 100 тоннага етказилади. Шу мақсадда механизаторлар учун барча зарур маданий-маиший шароитлар яратиб қўйилган. Дала шийпонлари яхши жиҳозланган. Хўжалик фонди ҳисобидан бу ерда иссиқ овқат тайёрланади. Иккита автолавка ва кўчма медицина пунктлари пахтакорларга хизмат қилади.

Бутун йиғим-терим мавсуми давомида барча ташкилотчилик ва сиёсий ишлар бевосита дала шийпонларига кўчирилади. Бунинг учун 6 та муваққат партия группаси тузилган. Ҳар бир бригадага сиёсий ташкилотчилар, агитаторлар бириктириб қўйилган. Хўжаликнинг ҳар бир коммунисти йиғим-теримда актив қатнашиш юзасидан оширилган социалистик мажбурият қабул қилган.

Хўжалик дирекцияси, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари йиғим-терим мавсумида юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш юзасидан комплекс тадбирлар ишлаб чиққан. Мусобақага ҳар беш кунда якун ясаб борилади. Натижалари жанговар варақаларда, «Чақмоқ»ларда кенг ёритиб турилади. Мусобақа ғолиблари шарафига «Меҳнат шуҳрати» байроқлари кўтарилади.

**Ушбу тадбирлар ишлаб чиқариш бўлимлари коллективлари йиғилишларида муҳокама этилган, хўжалик дирекцияси, партия, касаба союз ва комсомол комитетларининг қўшма мажлисида кўриб чиқилиб, тасдиқланган.**

## Газетанинг бугунги сонига хабар қиладилар

### ПЛАН ЗИЕДАСИ БИЛАН

**ЯНГИБОЗОР. Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози бўрдоқибоқарлари давлатга йиллик пландаги 340 тонна ўрнига 410 тонна гўшт топширдилар. Давлатга гўшт учун топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 450—470 килограммни ташкил этди. Молларни жадал семиртиришда бўрдоқибоқарлардан Н. Шеров, С. Шодмонов, С. Исматхонов, А. Гарифуллинларнинг ҳиссалари катта бўлди.**

**Хўжалик чорвадорлари давлатга яна 40 тонна гўшт топширишга аҳд қилганлар.**

### ЛУБКОРЛАР ШИЖОАТИ

СОЛДАТСКОЕ. Ғалаба райони лубкорларининг кечагача давлат қабул пунктларига етказиб берган каноп поялари 65 минг тоннадан ортиб кетди. Улар кунига лубни қайта ишлаш корхоналарига 2500 тонна атрофида қимматли хомашё етказиб бераётирлар.

Ҳозир район канопзорларида 214 та «ЛО» ва «ЛС» агрегатлари ишлаб турибди. Улар билан кунига 110 гектардан ортиқ майдондаги каноп ўриляпти.

Ҳосилни йиғиштириб олиш ва давлатга каноп пояси топширишда Свердлов номли ва «Заря коммунизма» колхозлари пешқадамлик қилмоқдалар. Улар бугун-эрта планни бажаришади.

### ПАРТИЯВИЙ ИШ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

**ЯНГИЙЎЛ. Шаҳар партия комитети яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида сайланган цех партия ташкилотлари секретарлари ва партия группалари ташкилотчиларининг семинарини ўтказди. Унинг қатнашчилари шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. И. Крючков, шаҳар партия комитети бўлимларининг мудирлари Г. С. Салмин ва А. С. Сибгатуллинларнинг қуйи партия ячейкаларида партиявий ишни такомиллаштиришга бағишланган докладларини тингладилар.**

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ИШ БОШЛАДИ

Калинин районидаги Свердлов қишлоқ Совети ва Ўртаовул посёлка Советида совет турмуш тарзини пропаганда қилиш ҳамда уни янада такомиллаштириш бўйича жамоатчилик кенгаши тузилди. Бу ердаги халқ депутатлари, партия, уруш, меҳнат ветеранлари, маҳалла комитетларининг активлари унинг составига киритилдилар.

Янги жамоатчилик кенгашининг биринчи йиғилишида республика илмий атеизм уйи область филиалининг раҳбари Б. Тожибоев совет турмуш тарзини такомиллаштириш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кейинги пленумлари қарорлари асосида янгича маросимларни аҳоли турмушига кенг жорий этиш, уларнинг қишлоқда турмуш маданиятини оширишдаги ролини кучайтириш тўғрисида гапирди. Йиғилишда сўзга чиққан Ўртаовул маҳалла комитетининг раиси М. Тожибоев, Свердлов қишлоқ участка касалхонасининг врачи Ш. Исоқов, уруш ва меҳнат ветеранларидан Ҳ. Охунов, Т. Умаров, Ж. Жалолов, М. Аҳмедов ва бошқалар совет турмуш тарзини такомиллаштириш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Кенгаш йиғилишида Свердлов қишлоқ Совети ва Ўртаовул посёлка Советида совет турмуш тарзини такомиллаштириш учун янгича маросимлар ва урф-одатларни аҳоли турмушига жорий этиш юзасидан тавсиялар қабул қилинди.

## ХАТЛАР, ТЕКШИРИШЛАР НАТИЖАЛАР

### ЙЎЛ ОЧИБ БЕРИЛДИ

**Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг Тимирязев участкасида яшовчи бир группа меҳнаткашлар редакцияга йўллаган хатида улар қатнайдиган йўл колхозчиларга томорқага ажратиб берилганлиги ва йўлсиз қолганликлари хабар қилинган эди.**

**Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари С. Сайдалиевдан олинган жавобда айтилишича, тузилган махсус комиссия томонидан текширилганда хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланган. Районнинг бош плани бўйича Тимирязев участкасини реконструкция қилиш пайтида колхозчилар қатнайдиган йўл томорқага тақсимлаб берилган. Текширишдан сўнг бош планда белгиланган қатнов йўлига шағал тўкилган ва текислаб, очиб берилган.**

### ҚУВУРЛАР РЕМОНТ ҚИЛИНДИ

**Трансформатор заводига қарашли уй-жой биноларидан чиққан чиқиндилар оқиб кетадиган канализация қувурлари ёрилиб кетгани, натижада дарахтларга зарар етказаётганлиги, улар қурий бошлагани ҳақида маълум қилинган эди, Чирчиқ шаҳар Аранча посёлкасидан келган бир хатда.**

**Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. А. Абдуллаевдан шу хатга жавоб олинди. Текшириш ўтказилганда кўрсатилган камчиликлар тасдиқланган. Қувурлар ремонтдан чиқарилган.**

*ТЕЖАМКОРЛИК—УМУМХАЛҚ ИШИ*

## ТАННАРХ КАМАЙДИ, СИФАТ ОШДИ

Жўрабой ака кўпни кўрган матбаачилардан. Дастлаб у печатникка шогирд тушган эди. Кейин қўлда ҳарф теришни, газетани саҳифалашни ўрганди, мастерлик қилди. Ҳозир эса Ўрта Чирчиқ район босмахонасига бошчилик қиляпти, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, Тўйтепа шаҳар Советининг депутати.

Жўрабой аканинг ғайрат-шижоати, тадбиркорлиги ва ташкилотчилигига ҳамма тан беради. У, қани ишга киришингларчи, деб ўзи бир четда қараб турмайди. Одамларга бош бўлади, шахсан намуна кўрсатишга интилади. Шу боисдан ҳам босмахона коллективи ишлаб чиқариш планларини ҳамиша ортиғи билан адо этиб келмоқда. Илғор печатниклардан Баҳодир Абдазов, машинада ҳарф терувчи линотипчилардан Жумагул Бектибоева, саҳифаловчи Лидия Ше каби илғорлар ҳиссаси билан босмахона уч марта СССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига ўтказилган мусобақа якуни бўйича эса коллективга республика нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитетининг кўчма Қизил байроғи тақдим этилди. Байроқдор коллектив беш йиллик топшириғини СССР ташкил топган кунгача, йиллик топшириқни эса 25 декабргача адо этиш учун қизғин кураш олиб бормоқда.

Матбаачилар тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, харажатларни камайтириш, техника ютуқларини жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашмоқдалар. Бу ерда Ўрта Чирчиқ район «Машъал», Меҳнат Қизил Байроқ орденли қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти, Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг рус ва ўзбек тилларида нашр этилаётган кўп нусхали газеталари босиляпти. Бундан ташқари коллектив кўплаб саноат корхоналари ва хўжаликларнинг буюртмаларини ҳам аъло сифат билан бажармоқда.

Ўтган ойларда коллектив олдинги йилнинг шу даврига нисбатан 2 минг сўмлик кўп иш бажарди. Меҳнат унумдорлиги қарийб 2,5 процент ошди. Ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг таннархи 6,7 процент арзонлашди. Бир сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқаришга пландаги 65,6 тийин ўрнига 59,9 тийин сарфланмоқда.

— Бу ютуқларнинг ҳаммасига мусобақа туфайли эришмоқдамиз,— дейди босмахона директори Ж. Аширев.— Матбаачилар ўртасида ташкил этилган мусобақага ой сайин якун ясаб бормоқдамиз. Ҳарф терувчи Ҳуринисо Музаффархўжаева, печатник Флюра Вагапова каби илғорлар ҳозироқ беш йиллик топшириғини бажариб қўйишган. Улар партиямизнинг XXVII съезди очиладиган кунгача 1986 йилнинг ярим йиллик планини адо этиш юзасидан аниқ мажбуриятлар қабул қилишган.

**Ж. ХОЛМАТОВ.**

## ИЗЛАСА ТОПИЛАДИ

БУГУНГИ кунда аксарият кўпчилик корхона коллективлари КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгаш кўрсатмалари асосида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш йўлларини излаб топмоқдалар. Чунки, ишлаб чиқаришда кескин силжиш ясаши аниқ бўлган фан-техника ютуқларини халқ хўжалигининг барча тармоқларида жорий этиш мумкин. Бунинг учун аввало қатъий истак, интилиш, изланиш зарур. Корхонамизда шу йўналишда амалга оширилаётган ишларни кўриб биз ҳам бениҳоя севинамиз.

Яқин-яқингача металлга ишлов бериш цехида кўпчилик оғир ишлар қўл кучи билан бажариларди. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ҳам, ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам кўнгилдагидек бўлмасди. Ахир юзлаб килограмм келадиган пўлат конструкцияларни қирқиш ва уни ташишни қўл кучи билан бажариш қандай самара бериши мумкин?

Яқинда бу цехда замонавий дастгоҳлар ишга туширилди. Эндиликда ана шу қурилма бир вақтнинг ўзида пўлат конструкцияларни ташиш, қирқиш, уларга ишлов бериш операцияларини бажармоқда. Авваллари ана шу вазифаларни бажаришга саккиз киши жалб этилган бўлса, эндиликда бу технологик потокда фақатгина уч киши — икки оператор ва кран машинистини кўриш мумкин. Агрегатнинг ўзи эса бундан ташқари яна 4—5 операцияни бажариш имкониятига эга.

Шу цехнинг ўзида яна бир кичик янгиликнинг йўлга қўйилиши яхши самара берди. Авваллари кўприк кранлари юқоридан бошқарилар эди. Эндиликда кранларни ердан туриб бошқариш йўлга қўйилди. Бу эса оғир конструкцияларни муайян участкага аниқ етказиб бериш ва кран ишини яқиндан кузатиб туриш имконини берди. Бир қарашда бу икки янгилик ишлаб чиқаришда катта ўзгариш ясамайдигандек туюлади. Лекин бу —катта ишнинг бошланиши эканлигига ишонаман. Изласа эса яна шунга ўхшаш резервлар топилади. Ана шундагина ишлаб чиқаришга жорий этилаётган фан-техника ютуқларининг самараси яққолроқ кўзга ташланади.

**Ш. РАҲМОНОВ,**
**Тўйтепа металл конструкциялари заводи ишчиси.**



**● Тошкент шаҳар Ҳамза районида республикамиздаги йирик дон маҳсулотлари комбинати қурилиши ниҳоясига етмоқда. Бу корхона бир суткада 360 тонна шолига қайта ишлов бериш қувватига эга бўлади. Шу йилнинг тўртинчи кварталида янги ҳосилни қабул қилиб оладиган бу комбинат фан ва техника ютуқларининг сўнгги намуналари асосида яратилган станоклар, қурилмалар билан жиҳозланганлиги айниқса диққатга сазовордир. Суратларда: (юқорида) комбинат ишлаб чиқариш корпуслари; (пастдаги сурат) монтажчилар Т. Мулюков ва Р. Магаметовлар бош бошқарув пультини монтаж қилишмоқда.**

**В. Сироткин** фотолари.

ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

## БУНДАЙ ИШНИНГ БАҲОСИ—ҚОНИҚАРСИЗ

**ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИДА ҒАЛАБА РАЙОНИ ХЎЖАЛИКЛАРИДА КОЛЛЕКТИВ ПУДРАТНИ ЖОРИЙ ЭТИШ, ОҚҚЎРҒОН РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХЎЖАЛИКЛАР ЭКОНОМИКАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ ВА МЕВА ҲАМДА УЗУМ ҲОСИЛИДАН РАЦИОНАЛ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.**

ШУ ЙИЛ март ва май ойларида Ғалаба районида коллектив пудрат усулини қўллашга бағишланган кенгайтирилган семинар-кенгаш ўтказилди. Унда область партия, совет органлари, барча хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, бригада бошлиқлари иштирок этдилар. Августда эса район Совети ижроия комитети ва РАПО совети мажлисларида шу масала яна қайта кўриб чиқилди. Меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг янгича формасига шу даражада эътибор берилаётган экан, демак бу илғор усул райондаги ҳамма хўжаликларда муваффақиятли жорий этилаяпти, деган хулосага келиш табиий.

Йўқ, афсуски, шундай эмас. Тадбирлар ва мажлислар кутилган натижани бермаяпти. Буни қуйидаги факт ва рақамлар аниқ кўрсатиб турибди.

Районда қарийб 300 та далачилик бригадаси бор. Шундан эндигина 67 тасида коллектив пудрат жорий этилган, холос. Аммо бу маълумот ҳам ишончли эмас. Сабаби — область қишлоқ хўжалик бошқармаси мутахассислари райондан берилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириб кўришганида айрим рақамларнинг қалбаки эканлиги маълум бўлиб қолди. Жумладан «Ленинград» колхозида 4 та эмас 2 та, Димитров номли колхозда 3 та эмас, битта бригада янгича ишлашга ўтган. Энгельс номли ва Свердлов номли колхозларда ҳамда Волков номли ва «Коммунизм» совхозларида 2 тадан 7 тагача бригада коллектив пудрат усулида ишлаяпти, деб маълумот беришган. Амалда эса шу пайтгача бирорта бригадада бу илғор усул жорий этилмаган.

«Победа» колхозида пудратчи бригада номигагина тузилган. Чунки, шоли экилган майдонлар бригадаларнинг аъзоларига 1,2—3,5 гектардан бўлиб берилиб, шунга яраша 89—61 сўмдан 255 сўмгача ойлик маош белгилаб қўйилганлиги коллектив пудрат шартларига мутлақо зиддир.

Райондаги бундай аҳволнинг асосий сабаби коллектив пудрат формасининг қандай бўлиши, унинг бригада ва хўжалик учун умумий иқтисодий аҳамияти ҳақида тўла тасаввурнинг йўқлигидир. Ҳолбуки ўрганиш учун мисол қидириб узоққа бориш шарт эмас. Шу райондаги Ҳамза номли колхоз ем-хашак бригадасининг иш тажрибаси ҳамма учун намуна бўла олади. Бригада коллективи сентябргача 1700 тоннадан зиёд дағал озуқа тайёрлаб қўйди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан қарийб икки баравар кўпдир.

Совет ва хўжалик органлари раҳбарлари, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг экономика хизмати мутахассислари ана шундай илғор тажрибаларни кенг пропаганда қилишлари, коллектив пудратини жорий этишда хўжаликларга ёрдам беришлари керак.

Область ижроия комитети халқ депутатлари Оққўрғон район Совети ижроия комитетининг колхоз ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш соҳасидаги ишини қониқарсиз, деб баҳолади. Чунки ҳозир райондаги бирорта колхознинг счётида пули йўқ.

Хўжаликнинг иқтисодий мавқеини белгилайдиган асосий шартлардан бири давлат планларининг бажарилишидир. Аммо районда белгиланган планларни уддалай олмаётган колхоз ва совхозлар кўпайиб боряпти. Масалан, 1984 йили мавжуд 12 та хўжаликдан 5 таси пахта тайёрлаш, 6 таси эса сут тайёрлаш планларини бажармади.

Меҳнатни ташкил этиш ва хўжалик юритишда палапартишликка йўл қўйилаётганлиги учун маҳсулот таннархи қимматлашмоқда. Ўтган мавсумда бир центнер пахта етиштириш учун пландаги 36 сўм 25 тийин ўрнига 40 сўм 47 тийин сарфланди. Гўшт етиштириш 1,7 баравар, сут етиштириш 1,2 баравар қимматга тушаяпти.

Ана шундай камчиликларга йўл қўйилаётганлиги сабабли районнинг ҳозирги молиявий аҳволи жуда қониқарсиздир. 1985 йилнинг 1 июлигача бўлган маълумотга қараганда қарзлар миқдори давлат банки ссудаси бўйича қарийб 15 миллион, кредит бўйича 8,6 миллион, дебит бўйича 2,2 миллион сўмни ташкил этади.

Молиявий аҳволнинг оғирлигига қарамай, ўтказилаётган ревизия ва текширувлар давомида кўпинча пул маблағлари ва ресурсларнинг ортиқча сарфланганлиги, маҳсулот таннархи қимматлашганлигининг асл сабаблари очилмай қолаверади. Ишдаги бундай масъулиятсизликка қатъий чек қўйиш лозим. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилиш планларини бажармаётган ҳамда паст рентабелли хўжаликлардаги аҳволни чуқур ва атрофлича ўрганиб чиқиш зарурдир. Агар лозим бўлса, бундай хўжаликларга капитал маблағ, техника, химиявий воситалар ажратиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва сув билан таъминлашни яхшилаш йўли билан уларга амалий ёрдам бериш керак. Шунингдек, район хўжаликларида меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг коллектив пудрат усулини кенг жорий этиш чораларини кўриш зарур.

Ҳозир ҳамма ерда бўлганидек, областимизда ҳам ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши тадбирлар кенг кўламда амалга ошириляпти. Ликёр-ароқ ва вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш камайтириляпти. Шу муносабат билан вино заводлари қабул қилиб оладиган мева, узум ва бошқа маҳсулотлар миқдори ҳам кескин камаяди. Аммо боғ ва токзорларда пишиб етилган ҳосил нобуд бўлмаслиги керак.

Шу мақсадда область ижроия комитети шаҳар ва район ижроия комитетлари олдига конкрет вазифалар қўйди. Жумладан, ҳамма шаҳарларда, саноат ва район марказларида узум билан савдо қилувчи ярмарка ва бозорлар ташкил этиб, хўраки узум навларидан сархил ҳолда пешма-пеш етказиб бериш керак. Виночилик, ликёр-ароқ ва бошқа спиртли ичимликлар ишлаб чиқариладиган корхоналар шу йилдан бошлабоқ аҳолининг талаби катта бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мослаштириб борилиши зарур. Айни вақтда винобоп узум навлари экилган токзорларни ҳам бузиб, ўрнига хўраки узум навларидан экиш керак бўлади.

## ЭНГ ЯХШИ РАЦИОНАЛИЗАТОР

ТЕХНИК ижодкорлик Василий Федотовичнинг иккинчи касби бўлиб қолган. «Ангренэнергоцветмет» корхонасида ким билан суҳбатлашманг шундай дейди. Аслида у корхонанинг шлак блоки участкасида катта мастер лавозимида ишлайди. Бу ишлаб чиқариш бўлинмасининг барча юмушлари унинг зиммасига юклатилган. Участка фаолияти билан боғлиқ бўлган ишлар бошидан ошиб ётади. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, интизомни мустаҳкамлаш, ишчи-хизматчиларнинг эҳтиёжларидан хабардор бўлиш ва бошқа шу каби масалалар билан доим шуғулланишга тўғри келади. У буларнинг ҳаммасига улгуради.

Бироқ бу билан чекланиб қолмайди. Вақт топиб ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга қаратилган муаммоларни ҳал қилиш, жараёнларни механизациялаш, қўл кучи сарфини камайтириш, иш шароитларини яхшилашга оид муаммолар юзасидан тинмай изланиш олиб боради.

Фан-техника юксак даражада тараққий этган ҳозирги шароитларда техник ижодкорлик билан шуғулланиш анча машаққатли. Бунинг ўзи бўлмайди. Ижодкордан жуда катта техник билим эгаси бўлишни талаб этади. Василий Федотович эса шундай билимдонларнинг бири. Шунинг учун ҳам қатор рационализаторлик таклифлари билан мураккаб, замонавий асбоб-ускуналарни такомиллаштиришга эришмоқда.

Унинг сўнгги таклифи буғлатиш камераси ишини анча яхшилашга олиб келди. Анчагина вақт давом этган ижодий изланишдан сўнг бундай камераларга буғ етказиб беришни автоматлаштиришга эришди. Натижада бу жараённи янги мосламалар бошқарадиган бўлди. Илгари эса бу иш тахминан борарди. Оқибатда буғ ортиқча ёки кам етказиб бериларди. Бу маҳсулот сифатига путур етказарди. Катта мастернинг таклифи жорий қилингач, бу қусурлар бартараф этилди.

Буғни камераларга етказиб бериш автоматик тарзда созланадиган бўлди. Энг муҳими иссиқлик энергияси сарфи камайди. Буғ бир маромда оқаётганлиги туфайли маҳсулот сифати сезиларли даражада яхшиланди. Бу ҳар йили мингларча сўмлик давлат маблағини тежаб қолиш имконини бермоқда.

Новатор ходим яқинда яна бир қимматли таклиф билан чиқди. Бир неча ой давом этган изланишдан сўнг муҳим ишлаб чиқариш муаммосини ҳал қилди. Тежамкорликка қаратилган бу тадбир коллективга катта наф келтирмоқда. Чунки, уни амалга ошириш туфайли шлак блоки тайёрлашга сарфланадиган қимматли материал — цемент миқдори икки баравар камайди. Ҳисоблаб чиқилганда ундан ҳар йили сал кам беш минг сўмлик иқтисодий самара олиш мумкинлиги аниқланди.

Василий Федотович Кириченко ўтган йил якунлари бўйича новаторликда барча янгилик ихлосмандлари мусобақасида ғолиб деб топилиб, унга корхонанинг «энг яхши рационализатори» деган ном берилган эди. У шу юксак номни бу йил ҳам оқламоқда, ишлаб чиқаришнинг турли кемтик участкаларини такомиллаштириш устида тинмай изланиш олиб бормоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари юзасидан бўлиб ўтган кенгаш кўрсатмаларидан руҳланган рационализатор бундан буён ҳам техник ижодкорликда янги ютуқларга эришади.

**М. МАҲМУДОВ.**

